

● *Мустақиллик сўқмоқларида*

Жаҳон 24 соат ичида

АМЕРИКА МАЪМУРИЯТИ- НИНГ НУҚТАИ- НАЗАРИ

Америка маъмурияти Кубада демократияни ислохотлар ва инсон ҳуқуқларини хурмат қилиш билан боғлиқ масалалар ҳал йитилганча бу мамлакат билан муносабатларни яхшилади, босқинларни ҳар қандай имкониятни раъс этди. АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси А. Уотсон журналчиларга шунини маълум қилди.

«ХЕЦ» КОМПЛЕКСИ СИНАБ КЎ- РИЛДИ

Исроил ракета-таъриқ қарши «ХЕЦ» комплексини олтинчи марта сынаб кўрди. Синов муваффақиятли ўтди. Бу таъдбир

● Иқтисодиёт қирралари

ИШ АНЧА ЕНГИЛЛАШДИ, БИРОҚ...

Америка янги синовлар учун яна маблаг ажратганини маълум қилди.

«ХЕС» мудофиа комплекси айрим араб мамлакатларида мавжуд. Синовлар ана шу хавфсизлик олдини олиш мақсадида амалга оширилмоқда, деб хабар беришди, ИТИМ ахборот маҳкамаси.

КУТИЛМАГАН ВОҚЕА

РАТА — ТАСС мухбирининг хабар беришча, Колумбия ҳукумати Куба билан дипломатия муносабатлари тикланганини эълон қилди. Колумбия — Куба муносабатлари 1981 йилда узилгн қолган эди. Муносабатлар тиклангани ҳақидаги қарор Колумбиядаги деярли барча сиёсий қушлар учун кутилмаган воқеа бўлди.

АҚШНИНГ ЯДРОВИЙ ҚУРОЛИ

Президент Билл Клинтон мамлакат хавфсизлигини таъминлаш учун қанча ядровий қалпоқчалар зарурлигини аниқла-

● Утганлар ёди

БЕЛОРУСДА ҚОЛГАН ЎҒЛОНЛАР

КОРЕЯ ГЕРМАНИЯДАН УМИД ҚИЛМОҚДА

Жанубий Корея ҳукумати Корея ярим оролидаги ядровий муаммоларни ҳал этиш учун КХДРга таъсир уқтқишида Германия ҳам фаол иштирок этишига умид қилмоқда. 1 ноябрь куни Германия Федератив Республикаси Мудофаа вазири Фолькер Рюе билан учрашувда Корея Республикаси Президенти Ким Ён Сам шунинг маълум қилди.

«СОВУҚ УРУШ»

ХАВФИ ТУГАДИ, ВИРОҚ...

Америка Қўшма Штатлари қуролсизлашш ва қурол-яроғлар устидан назорат маҳкамасининг директори лавозимига тайинланган Жон Холлам АҚШ конгрессида сўзга чикиди.

«Совуқ уруш» хавфига барҳам берилгач, қурол-яроғлар устидан назорат вазифалари узатгиди, бироқ улар ҳамон долзарблигига қолмоқда, деди Ж. Холлам. Янги директорнинг фикрича, ҳозир қурол-яроғлар ва уларнинг тарқалиши устидан назорат илгаричгидан ҳам кучлироқ бўлмоғи лозим.

«ХАР БИР ИЖОДКОР, АВВАЛО ЖАМОАТ АРБОБИДИР»

РЕСПУБЛИКА «НАВРЎ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ РАИСИ, ТАНИҚЛИ ЖУРНАЛИСТ ДАДАХОН ЕҚУБОВ БИЛАН МУЛОҚОТ.

«Хайр қувончлари ва ташвишлари» туркум кўрсатувларининг сизни элга таянган. Аммо у аяндадан бери эканлигини кўрсатди. Мазкур кўрсатувлар билан андармон бўлиб, уни ёзда чинармонга, шеккалга?

— Бугун биз ўтмишимизга назар ташлаб, келажакимизга қараб ишлаймиз. Дарҳақиқат, собиқ Иттифокда шундай кўрсатувлар кечатган ўша долғали йилларда мазкур кўрсатув халқимизнинг ҳақиқий овози бўлиб, унинг қувонч ва ташвишларини кўрсата олган, татбири жонли бўлиб, бугунги кунимизнинг келишига оми-қўми ўзининг ҳиссасини қўшган экан.

Биласизми, мен деҳқонга ҳавас қиламан. Унинг ҳосили мўл бўлса, халқнинг кўр-кўрсаткичлари ҳам, паррандаю дарраналарини ҳам тўйдилади. Деҳқондан ҳамма рози. Барча рози бўлган одамдан эса Аллоҳ ҳам рози. Менинг отам ҳам деҳқон. Яқинда қишлоқда тўй бўлди. Шунда отам сўзга чиқиб, жуда қойилмақом гапирди. Кейин мен эл олдида, илгариги кўрсатувни қайта тиклаганимизни айтдим. Шунда отам, «Эҳли, сенинг турли жойларда сўзлаган нутқларингни кўп эшитганман, лекин «Хайр қувончлари ва ташвишлари»ни тиклаш ҳақидаги гапларинг одамларга жуда таъсир қилди. Сени элга таянган жой ойнама жон бўлади. У ерда қора-

вуллик бўлса ҳам қилгин», дедилар. Энди, йигирма йил телевидениеда ишлаган ижодкор сифатида айтсам бўлади, «Хайр қувончлари ва ташвишлари» — менинг деҳқончилигим. Истиқлол туғайли қувончларнинг серҳосил медаллари пишиб етилди. Ўтиш даврининг ташвишлари ана шу медалларни тўкиб юбормаслиги учун хайрия ҳаракатини қўшиб олиб бораётман. Сизга бир «сирини очай, кўрсатув тайёр, яқин кунларда экранга чиқади. Тўғриси айтсам, уни тайёр ҳолга келтиргунча анча қийналдим. Эндики амон қилмай юриб, қўлишдан қўлини қолгани каби олти ой ичда қайта-қайта тайёрладим, лекин уларнинг бирортаси эфирга кетмади...

— «Хайр қувончлари ва ташвишлари» чўчқадан сўн ҳам бир қанча бадий-публицистик кўрсатувлар пайдо бўлди. Уларни ўзининг ҳиссасига қўшган ҳолда жамғарма қилганми?

— Биласизми, «Хайр қувончлари ва ташвишлари» — жамият ҳақида эмас, инсонлар ҳақидаги кўрсатувдир. Яъни, унда инсонлар тақдирлари оқибатини кўрсатди. Барча ўзгаришлар ақл эгаси. Сиз айтган бадий-публицистик кўрсатувларнинг муаллифлари ёмон нарсаларга ташвишланган, деб олмайман. Маана масалан, Эшқобил Шукр «Олтин бешик»ни миллий, шарқона оҳангда «тебратаятиқни», қойил

қилиш керак. Фарҳод Бобо-жонов эса «ўз дарёларининг ўзанини қидиряпти» миллий қадриятлар, инсоний муносабатлар, Ватанга садоқат, истиқлол идилла-рини ахтараяпти. Аммо уларнинг «Хайр қувончлари ва ташвишлари»дан фарқи, жамият ҳақидаги кўрсатувлар эканлигинида.

Хозир кўпгина кўрсатувлар шаклан бир-бирига ўхшайди, ҳаммаси тантанавор. Ушбу ҳам бир хил. Менимча, айни дамларда ҳақиқий истиқлол мафкурасини яратиб, мард ватанпарварларни тарбиялаш, миллий қадриятларни улуғлаш учун ИНСОН ҳақидаги, унинг ўй-хашлари, орзу-умидлари ва руҳий кечин-маларини ақс эттирувчи кўрсатувлар зарур.

Шу ўринда бир ибратли мисол келтириб ўтмоқчиман. Муҳтарам Президентимиз қайсида Президентлардан бирини, оддий халқ ода-тининг ўзини улут мактаб деган таърифларга эдилар. Келин, шу гапнинг маъини чақшга уриниб қўрайлик. Халқимизда яқин қариндош-шўбиста-бировларнинг тўғина битта сирини тўғина қилиш таъминли бор. Ана шу сирини яқин дунёга келган онлани бола-чақаси билан боқадил.

Ушбу мисолни келтиришдан мақсад шунки, биз Президентимизни улкан сиёсий ариб, кучли иқтисодчи олими сифатида яқин биласиз. Бироқ, у кишининг кўпчиликл билмайдиган, оддий, аммо самийи инсоний

одатлари ҳам бор. Халқнинг урф-одатларини чуқур билдиладир. Тўғриси таъмининг дунёга келиши ана шу оддий, инсоний муносабатларга боғлиқ эмасми? Натикада давлат йўли билан аҳолини иқтисодий химоя қилишда бу ишга халқ ҳа-шарини ҳам бирлаштириш олилар. Бугунги кунда «Наврў», «ЭКОСАН», «Ма-ҳалла» хайрия жамғармалари, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармалари одамлар юмушини енгилаштириш учун тайёр туришибди.

Менимча, ҳар қандай ижодкор, аввало жамоат ари-бобидир. Унга бошқаларга қараганда кўпроқ масъулият юкланади. Ижодкор — халқ овозидир. Бундай шарафга муносиб бўлиш учун тий-ма изланиш, меҳнат қилиш керак.

— Жамғарматиз фаолияти нимага асосланган?

— Ҳозир республикамизда кўплаб жамғармалар ташкил этилаётган. Табиийки, улар ўртасида рақобат ҳам кучайди. Бундай шарт-шароитда ҳайрия сўраш билан кун кечириб бўлмайди. «Наврў» хайрия жамғармаси 1992 йили шахсан Ислам Абдуғаниевич Қуримовнинг ташаббуси билан тўзилган эди. Ўтган вақт ичда жамғарманинг даста анча ўзгариб. Ҳозир вилоятларда унинг 14 та бўлими ва 72 та корхонала-

ри ишлаб турибди. Булардан яқингина даромад келиб турибди. Моддий аҳоли-миз ёмон эмас. «Истеб-дод» жамғармасига ҳам ҳомийлик қиламиз. Ўз на-батиди, у оммавий ақсорт воситаларини моддий қў-лаб-қуватлаш жамғармаси-нинг ҳаммуассисларидан биридир.

— Яқинда сизлар рес-публикамиздаги бир гуруҳ жамоалар ва шахсларни «Меҳрибонлик» мукофоти билан таъдирладилар. Оддий бир жамғарма ўзи-нинг мукофотини таъсис этиш таъсисга сазовор, ал-батта. Лекин мени кўпроқ қизиқтиради, унинг номла-рини бўлди...

— «Меҳрибонлик» муко-фоти ҳам халқимизнинг урф-одатларидан келиб чи-ққан ҳолда таъсис этилган. Бу мукофот ўзгалар таш-вишга шерик бўлган саҳий, меҳрибон, инсонийлик ва миллий қадриятларининг тикланишига химоя қўшган кишиларга берила-ди. Ўтган йили жамоат таш-килотлари ва шахслардан йигирматаси илк бор «Меҳ-рибонлик» мукофотига са-зовор бўлган эди. Бу йил эса жамоа ва шахсларга тўғрота биринчи даражали, ўрта кичкинчи даражали, ик-кита учинчи даражали «Меҳ-рибонлик» мукофотлари ҳа-мда ўрта рағбатлантирувчи пул мукофотлари берилади.

Бу тадбирни бундан кейин ҳам мунтазам равишда да-вом эттириб борамиз. Де-путат сифатида шунга ай-тишим мумкинлиги, бизнинг мукофотга сазовор бўлган кишиларга келгусида ҳам жамғарманинг рағбатланти-рувин нафақалари бериб бо-рилади.

— Депутатлик фаолияти-нигиздан саяловчиликнингиз кўнгли тўлаётгани?

Узини биласиз, илгарилар-и бизда депутат бўлишнинг жуда осон йўли бор эди — номзод саялов олдидан ва-даларини жуда қўқоқ қилар-ди. Ишлари битта эса, ак-сарияти ваъдаларини «ба-жаримас эди. Сиз нақаз-ларини қандай бажа-ралиси?

— Дарҳақиқат, одамлар ишонч билдириш, мени 249-Чортоқ саялов округи-дан Ўзбекистон халқ де-путатлигига сайлашган. Ўшан-да менга ҳам бир қатор нақазлар тушган эди. Шаҳар йўл ости туннели ва автос-тандия қурилиши, темир йўл юк омборини аҳоли яшаш жойидан узокроққа қўчириш каби юмушлар ана шулар жумласидандир. Бу ишлар бажарилди. Қурили-ши бошланган тиббиёт би-лим юртининг ётоқхонасини тиклаш ҳақида бош қоти-р-лам.

Булардан ташқари, депу-тат ва жамғарма раиси си-фатида Чортоқда, миллий қадриятларни қўлаб-қув-ватлаётман. Ҳозирча жам-ғарма ҳисобидан олти хо-надонга ситир берилди. 1990 йили Нохор оилага 10 минг сўм пул хайрия тари-қасида ушланган бўлса, бу йили Наврў байрами му-носабати билан шаҳардаги маҳаллаларга 300 минг сўм пул бўлиб берилади. Чортоқ-да табиий обат юз берга-нида икки миллион сўм миқдорда ёрдам кўрсатди. Шундан беш юз мингги мак-табларни таъмирлашга сарф-ланди. Жамғарманинг ҳис-сидан Бешкапа қишлоғида Оталар чойхонаси қуришни бошлаб юбордик, худо хо-ласа, келгуси йили Наврў байрамидан унинг қарилар иштироғи топишарди. Яна, жамғарманинг иккита корхонаси Чортоқда иш бошлаган.

Гарчи, келгуси йили де-путатлик муддатим нҳқо-сига етса-да, ҳали Чортоқ-да қиладиган ишларим кўп. Депутатлик фаолияти.

«Чортоқ ҳақиқати» номли туман газетасида «Бирор ундоқ дейди, бирор бундоқ дейди» рубрикаси остида халқ томонидан кенг муҳо-кама қилинди. Мен бир нарсани яқин билман — хоҳ депутат сифатида, хоҳ ижодкор сифатида, хоҳ жамғарма раиси сифатида, хоҳ оддий бир инсон сифа-тида бўлсин, чортоқликлар-дан бир умрга миннатдор-ер.

— Сўхбатимиз жуда рас-мий тус олиб кетди, шекил-ди. Келинг, бошқа нарсалар ҳақида ҳам гаплашайлик. Сизга берадиган сўнги са-волларимдан бири шундай: нимага ошу қиласиз?

— Оруларим кўп. Улар-дан энг муҳимлари — са-марали ижод қилиш, халқ-нинг фаровонлиги, тинчлиги, Ватанимиз истиқлолининг абадийлиги, фарзандларим камолтини қўриш. Эзгу ор-зулар одами катта ишлар-га илҳомлантиради.

— «Халқ сўзи»га қандай тияқларингиз бор?

— Газетангиз номига мо-нанд, халқнинг фикри ва сўзини, орзу-умидларини, ўй-ташвишларини ўзид акс эттирувчи бор ойнадир. Ўз-бек эли адалатини сезувчи халқ. Сизлар ана шу ҳақда ёзинг. Газетангиз бундан кейин ҳам халқнинг сўзи бўлиб қолсин. Истиқлол қа-нотингиз бўлсин.

«Халқ сўзи» мухбири Фафур ШЕРМУҲАММАД сўхбатлашди.

БИР ШАҲАР ЯНГИЛИКЛАРИ

ЛИЦЕЙ БОЛАЛАРИНИНГ РЕЛАЖАГИ ВОР

ЖИЗЗАХДА очил-ган ўзбек-турк лицей-ида юз нафар бола тахсил оляпти. Бу ЕРДА асосан турк ва инглиз тилларини ҳамда иқ-тисод масалаларини ўрга-нишга эър берилади. Дарс-ларини Туркиядан келган му-раббийлар ўттишмоқда.

АККУМУЛЯТОР СЕРОВ БЎЛСА, АЖАБМАС

ШАҲАР аккумуля-тор заводи шу пайт-гача қишлоқ ҳўжалиги учун нақадар таъсис бўлган аккумулятор-ларини ишлаб чиқармас эди.

БУНГА бир неча бор ўри-ниб қўришди, аммо элпай олишмади. Ниҳоят Туркия ишбилармонлари билан шартнома имзоланди. Яқин орада аккумулятор серов бўлиб қолса, ажаб эмас.

ЧИКИТДАН... ВАЛЮТА

ИП ИГИРИВ фабрикаси ҳар йили ўзини ишлабдиган пах-та толасидан чиқадиган 30 фоз чикитни Гер-манияга пулар, не-мислар чикитнинг ҳар тоннасига 1,5 минг доллар тўлаб харид қилиб эди.

ЖИЗЗАХЛИКЛАР эн-ди чикитни қайта ишлаш бери-няям фойдалироқ шери-ни топдилар. Бундан бо-ғина Швейцариянинг «Ри-гер» фирмаси билан ҳамкор-ликда икити Жиззахнинг ўзида қайта ишлашиб, тайёр маҳсулот даражасига ет-казилган бўлди.

Абулқасим МУҲАММАД РАСУЛ, «Халқ сўзи» мухбири.

Театр: Шарқ-Ғарб

ХАЙР, ФЕСТИВАЛЬ!



сия ва Франция актёрлари ижро этишди. Бундай ми-солларни ана кўлаб келти-риш мумкин...

Фестиваль давомиди е-тига театр саҳнасида 56 та спектакль кўрсатилди. Ҳар кун 8—9 та спектакль на-мойиш қилинди. Актёрлар спектаклдан бўшашилар би-ланок, театр оламида қан-дай янгиликлар борлигини кўриш учун касбшарни кўрсатаётган томошаларга боришди...

Фестиваль «Туркистон» саройида тантанали тарзда оқуладилар. Бу маросимда республика маданият иш-лари вазири Э. Ҳайитбоев билан Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг президенти В. Қориева нутқ сўзлаб, жумладан, фести-вални ўтказишга қўмақ-лашган барча ташкилот ва шахсларга миннатдорлик билдиришди.

Фестиваль танловсиз бўл-са ҳам, бир қанча асарлар эсдалик совринлари билан тақдирландилар. Улар орасида ўзбек театрларининг спек-такллари — Аббос Қиё-тов номидидаги театрининг «Искандар», Ҳамза номиди-даги театрининг «Кориолан», «Илхом» студия театри-нинг «Бахти радолар» спек-такллари бор.

Хайр, фестивал!

И. ГРЕБЕНЮК, ЎзА мухбири.

ҚУШКЎПИРГА ҚУШ ЙЎЛ

Яқин истиқболда Хор-азмнинг бу чекка тумани узоқ-яқин аллар билан те-мир йўл орқали ҳам боғла-нади. Ҳозир Урганч-Шовот темир йўлининг «Вўйраш» секатидан туман маркази-чомон яқин «пўлат йўл» тор-тилоқда.

ҚУРИЛИШ жамоалар кучи билан, яъни Қўшқў-пирда негт русм бўлган ҳа-шар усулида олиб борилади. Сарф-харажатлар ҳам жо-маолар, ҳатто, айрим ҳо-доллар жамғармасидан қоплашяпти. «Оқ йўл» но-миди ҳиссадорлик маъини-таъсис этган 100 миллион сўм-лиқ қимматбоҳ қороз-ларини туманининг 48 жа-моаси, кўпгина оилалар со-тиб олишди. Силкиёт гиш-ти ва пахта тозалаш заво-длари, «Илтиж» хусусий савдо-тижорат корхонаси, О. Нуманов ва о.о.нинг му-ҳажирлар 5 миллион сўм-лик акцияларини эгалари бўлишди. Темир йўлда олинадиган сармоя негуси-да ҳиссадорлар ўртасида

тақсимланади. Режага қўра йўл аввал мўлажалланган-дек икки йилда эмас, шу йилнинг охиридаёқ қуриб битказилади.

Режалар ҳавойи эмас. «Халқ сўзининг» Хоразмда-ги муҳбирлик қароргоҳига маълум қилишларига, йўл тарихига рельеф ётқизиш ала-қақон бошлаб юборилган. Ҳар кун бир неча юз метрлик «пўлат йўл» пайдо бўлимоқда. Бўйрач-Қўшқўпир темир йўли вилоятнинг барча чек-ка туманларини «пўлат йўл» билан боғлаш мақса-дида ташланган дастлабки қадамдир. Йўл тирмоқлари-ни яқин келгусида Тур-лан тумани на Хивагача узайтириш кўзда тутил-ляпти.

Қўшқўпирни яқин-йироқ маъинилар билан аниқла-ди қўш йўл — аввалдан мавжуд автомобиль ва бар-по этилаётган поезд йўли-идада мустаҳкам боғла-ди.

А. СОВИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қардошлик кўприклар

Дунёда дунё инсоннинг ақли, тафаккури, турмуш таърибаси тафайли аралган, бундай бўлган, кашф қилинган ҳикмат кўп, нарсалар кўп, туйғу кўп. Лекин бундай кашфоту туйғуларнинг ҳаммаси ҳам дўстлик-ақиллик ҳисси қадар қуваретбаш, умидотбаш, ҳайратбаш бўлавермас экан. Зеро, бу тушунчада ҳислат-ҳосият, меҳр-муҳаббат жамулжам, оқибат, садоқат, орзу... бери-бери бор!

Шу йилнинг январь ойи эди. Тош-кентда Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кўнараи давом этаётган. Меҳмонлар Абдулла Қодирий номида-ги институтда талаба ёшлар билан учрашмоқда.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари би-ринга дўст деган гапларни эшитиб, мен ўйланиб қолман, — дейди машҳур адиб Тўлелберг Қанбергенев. — Бош-қа-бошқа тилдаги, бошқа-бошқа қишлоқ-даги, бошқа-бошқа қишлоқ-даги халқлар би-бири билан дўстлашу-ви мумкин яқинлашуви мумкин, бор-ди-кедди алоқаларини ўрнатилари мумкин. Ана уларни дўстлашди, дўст бўлиб деймиз. Ўзбек ва қорақалпоқ халқларини ҳам шундай дўст халқлар десек бўлмай? Йў-ўй! Булар ахир бир халқ, бир ота-онадан тарқалган, бир ўй ичда ўсиб-ўлаётган, ҳаммаша бирга яшаб келаятган халқлар. Ана-уналар, оғанилар би-бирининг дўст демайди, боврим дейди, жигарим дейди. Бири-нинг бошига оғир кун тушса, иккинчиси югуриб келади. Бири тўй бошласа, иккинчиси хизматининг оғирини олади. Бизнинг халқларимиз оғани халқлар, эгиз халқлар, уларнинг ўртасидаги му-носабатлар эса дўстликдан-да муқаддас-роқ, қон-қийметдан би туйғу...

Доно инсоннинг ажойиб мушоҳадала-рини тинглаб ўтириб, ҳаёлимдан бир нафл кечди.

НАҚЛ. Икки ака-ука яшаган экан. Аканинг оиласи серфарзанд, ука эса ўйланмаган бўйдоқ экан. Улар баҳорда бирга меҳнат қилиб, хирмон уюшга, сўнг ҳосилини тенг бўлишиб олоққа келишибдилар. Шундай бўлти ҳам. Қўза-да отанинг икки четиди би-биринга тенг иккита хирмон буй тиклабди. Ака кечаси билан ётиб ухломлабди. «Укам — сўққабаш, ҳали оила қурмаган, тур-мушининг оғир-енглигини биллавермайди, Уйлангани керак, ўзинга ўтов тиклаши керак. Бунинг учун эса озмоздан бўл-са-да, Янгитериб бориши керак. Ме-нинг оилам бор, шукр, эрта-индин ўғил-ларим оёққа туради, менга қўл-қанот бўлади. Кўпчилик бўлиб кун қуравера-миз. Укам эса ёлғиз, қийналади. Ке-лхисси ўзининг хирмонининг я-рини укамникига қўшиб қўй, нанча фойда бўлса, укамга бўлсин...»

Ака ўриндан туриб бориб, хирмо-нининг ярини нариги хирмонга қўшиб қўйди.

Шу кеча ука ҳам анчагача ўхломлаб-ди. «Аканинг фарзандларини кўп, улар ҳали улағиб қаторга киргунча акам бечора қанча аҳмат кечадил, боши ме-натдан чиқмайди. Мен эса ёлғизман, ёлғиз қорин қаерда тўймайди? Ке-ўзининг улуғлимини акамникига қўшиб қўй...»

Бу бир нақл. Ота-боболаримиз уни бизлар учун ўрнатмаюна бўлсин, деб яратган. Бироқ, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг ўзаро муносабатларини кўриб, қўшни маҳаллаларда юз бера-диган воқеаларни эшитиб, бизларни сабо-тоқати, айл-феросатли, ақил-ноқил қи-лоб тарбиялаган ҳикматий боболар таҳсин билдирмай иложимиз йўқ. Ёна-чинини ушлаб шукр қилайлик. Ахир ке-чагина ватдалар бериб, дўстликка оғт-иниб, имзо чеккан халқлар бугун би-ри-бирининг уйига меҳмонга, зиёфатга, дийдорга эмас... балки қурол қўтариб, қон тўкишга, ўч олоққа, ўлдирмоқ-қа бораётганини кўриб-эшитиб туриб-миз-ку...

Шукр қилишимиз керак. Фикр қи-лишимиз керак.

Бизда эса байрамлар, тўйлар, фе-стиваллар, қўвончли воқеалар, дий-дор-учрашувлар давом этаётган, бири-бирни улашмоқда.

Меҳр-қўза, дейди донолар. Ҳа, ин-сонларни меҳр ақиллаштирадиган, кулги-қувонч ақиллаштирадиган, дард яқин-лаштирадиган, дийдор яқинлаштирадиган. Қорақалпоқ ва ўзбек фақат дини, қони, тили бир халқлар бўлибгина қолмай, ҳасрати ҳам, турмуши ҳам, тўйи ҳам, ҳасрати ҳам бир бўлган халқлар. Ўзбек — ўз оғам дейди қорақалпоқ. Қорақалпоқ — қадрдоним, дейди ўз-бек...

ВОҚЕА. Бунинг онандан эшитганман. Онам бир йили райондан йўлланма олиб, Нукусда даволаниб ётади. Ман-гит билан Нукуснинг ораси — етти-миш километр. Ўртада дарё ҳам бор. Ки-шини кунни. Уйдан кунда қатнаш укам-ларга осон кечмайди. Шунинг учун онам уйдан келса — ёб, келмаса, ба-янсининг овқатига қаноат қилиб юраве-рибди.

Бир кун палатасига ўтиб бораётса, яқинидан қирот билан шевр ўйи-гани эшитилибди:

Шеврнинг ҳавас қўйган бўз ўғлон, Сема қурол бўлини тўғри сўз, ўғлон, Фақат қурганининг шеврда ёз, ўғлон. Елгончини шоир дедас халойиқ...

МЕНИНГ КАДРДОН ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИМ

Бу сатрлар онамга таниш эди. Ю-риги ҳақирчи, шевр ўқилаётган палата эшитидан мўрғуласа, хушрўйига бири йигит ўн чорлиқ қарияни йиғиб олиб ўтирибди. Қўлида газета. Йигит шевр ўқийди давом этаверибди-ю, ҳаммаси эркаклар бўлиб учун, онам киришга йиғибди эшак кесакисига суяниб қо-либди. Йигит бош қўйди:

— Апай, сизга ким керак эди?... — Йўқ, ўзим шундай... мен... у-ғлим... ўқийвер, болам!

«Ўқийётган шеврининг менинг болам ёган» дедилмади онам. Йигит шеврни ўқиб, тутатиб, муаллифини таништириб-ди:

— «Бердақ сўзи» деган бу шеврини жазган йигитни Тошкентда яшайди, деб эшитаман. Ўзбек Йигит, бизнинг юртингиз боласи, Амурдернинг Мангит-дан кўсайди... Шу ёқда юриб қора-қалпоқларини ёзиб-мақтаб юради...

— Ҳай, берекелле... Онаминг кўзларига дунёва ёш келиб, ҳиқиллаб қолди.

— Апай, сизга не бўлди? — Йигит газетни қўйиб, эшикка юрибди. Эртадан бошлаб уш Юнгитнинг хоти-ни овнатган икки идишда келтириданган бўлибди...

Нукусга бораётганимни эшитса, онам:

— Менинг Холлила боламини кўриб ке, келинмига салом айт... деб навраб қолади. Холлила Давлатназаров онам кўриб, қўшни маҳаллаларда юз бера-диган воқеаларни эшитиб, бизларни сабо-тоқати, айл-феросатли, ақил-ноқил қи-лоб тарбиялаган ҳикматий боболар таҳсин билдирмай иложимиз йўқ. Ёна-чинини ушлаб шукр қилайлик. Ахир ке-чагина ватдалар бериб, дўстликка оғт-иниб, имзо чеккан халқлар бугун би-ри-бирининг уйига меҳмонга, зиёфатга, дийдорга эмас... балки қурол қўтариб, қон тўкишга, ўч олоққа, ўлдирмоқ-қа бораётганини кўриб-эшитиб туриб-миз-ку...

Шукр қилишимиз керак. Фикр қи-лишимиз керак.

саяф-феялида, хулқи-сажиясида қў-лаб асл туркона хусусиятлар сақлаиб қолган. Айниқса дошхонавийлик, ҳикмат аралаштириб сўзлаш, тўғрили, дағал-лик, мардонлик уларнинг хатти-ҳа-ракатларида ҳам, чеҳра-сиймоларида ҳам зоҳир бўлиб туради. Бундай дошхона-хик-матийликни мен қорақалпоқ оқсоқола-ри — Жўлмизра, Қўжабек, Бойниёз, Тў-лепберди, Ибройим оғаларнинг сий-моларига кузатганман. Бундай ҳислат-ларини мен ижодкор дўстларим шевр-ларда кўрганман. Шунинг учун ҳам уларнинг сўхбат одами зериқтирмай-ди — фойдали бўлади, шеврлари ҳикмат-га бой бўлади — ёлда муҳрланлиб қола-ди, қўшқ-қўйларли малҳамаш, нега-ни, дардан яралган...

Мен айниқса қорақалпоқ жировлари-нинг қўшқиларини худди ўзимизнинг ма-қомларини тингладандай севиб-эзилиб тинглайман. Юракнинг нақ тўридан, дардининг зўридан ёрилиб-ёрилиб чи-қаётган бўғай фарёб бўғиздан дарёдай тошиб чиқади-ю, дунёни тўлдирди, вужудни сит қилди, руҳингизни юл-қиб олиб сайрон-парвозга бошлаб кета-ди. Жиров кўйласа, шундоқ кўз олдин-гизда мазий намоён бўлади, кўнгида ақло

Махмуд САЛОХИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академиясининг президенти.

ҲАМКОРЛИК УЎҚЛАРИ

Тарихий аҳамиятга эга бўлган бу сана — нафақат биз фан намоёндалари, балки бутун республика илмий-иқтисодий эътилолари ҳаётида ҳам муҳим воқеадир. Жумҳуриятимизда реф. давлатчилик, сиёсий мустақилликни қўлга киритиб, ўзининг иқтисодий ва ташқи сиёсат йўлини тўта бошлаганига икки йил тўлди.

Бу йилга вақт ичида демократик давлатни қуриш, бозор иқтисодиёти асосларини шакллантириш, мустақил ташқи сиёсатни амалга ошириш йўлида шу қадар кўп ишлар қилиндики, бунинг натижасида республика олдида халқаро ҳамкорликнинг илгари ҳатто ҳаёлга ҳам келмаган уфқлари намойён бўлди. Агарда мен шу тарихан қисқа бир давр мобайнида ўтмиш ҳаётига қайтиш имкониятларига батамом берадиган йўналишлар тизимига тушиб олишга эришдик, десам муболага бўлмади. Шунча жиддий ўзгаришларга энг муҳим омил — жамиятнинг барқарорлиги шароитида эришилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Яна шунинг айтилганлиги, биз жумҳуриятимизда тўб демократик ва ҳўжалик ислохотларини амалга ошириш учун ҳозир ҳам, ишдан бир муҳитнинг юзга келганлигиндан фахрланишга ҳақлими.

Илм-фан жамиятнинг алоҳида иқтисодий тизимидир, мамлакатнинг таъдирини, янги тўб қадриятларни юзга келтириш учун улкан маънавий масъулият унинг зиммасида бўлади. Республика олимлари ислохотлардан олдинки ва ҳукудан сўнгги икки йил мобайнида қўлларидан келган барча ишни қилдилар. Шубҳасиз, бунда Ўзбекистонда барпо этилган илмий ва илмий-техникавий имконият, фаннинг сифат меъёри ҳамда олимларимизнинг тайёргарлик даражаси катта роль ўйнади. Шу муносабат билан Ўзбекистонда академик илм-фаннинг юзга келиши ва ривожланишига алоқадор айрим жиҳатлар ҳамда тарихий чиғирларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўзбекистон илм-фанининг йиллик тарихига эга. Шу заминда яшаб иқод этган Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, ибн Си-

но, Махмуд Замахшарий, Исмоил Бухорий, Аҳмад Ясавий, Улукбек, Алишер Навоий, Бобур каби кўпгина мутафаккир алломаларнинг номинан жамиятнинг тарихига абадий кирган. Туркистонда миллий ўғонни даври деб ҳисобланган XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида бошлаб Бехбудий, Фитрат, Ҳамза, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Садриддин Айни, Қори Нисеъий, Ойбек каби илм-фан ва адабиётнинг улкан намоёндалари етишиб чиқди.

Республика Фанлар академияси 1943 йил 4 ноябрда ташкил тоғди. Фанлар академияси ўз-ўзидан, бўш-лиқда пайдо бўлгани йўқ. Академия олдига қўйилган вазифалар ҳаётнинг ўзи томонидан илгари сурилди, халқ ҳўжалиги барча соҳаларининг шиддат билан юксалиши манфаатларидан келиб чиқди. 40 дан ортиқ республикада ўша пайтда илмий-тадқиқот институтлари, кўпгина олий ўқув юрлари, илмий станциялар, малакали ходимлар мавжуд эди. Унинг пойдевори 1918 йилнинг апрелида Тошкентда Туркистон Халқ университетини ташкил этилган ва кейинчалик 1920 йилда унинг негизида Туркистон Давлат университети очилди, барча ўрта Осиё республикалари халқ ҳўжалиги учун илмий ходимлар ва мутахассислар етказиб бериш марказига айлانган чоғдаёқ қурилган эди.

Университетнинг профессор-ўқитувчилари таркибида Тошкент олимлари билан бир қаторда Туркистонда яшаб, шу минтақада олий таълим ва илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантиришга ўз куч-қувватини ҳамда билиминини беришни ихтиёр қилган Москва ва Петергоф олимлари ҳам қўшилдилар. 1920 — 21 йилларда университет қўшида кимё,

ботаника, география, физика-математика, зоология институтлари юзга келди. 20-йилларнинг ўрталарида В. Д. Журип номидаги Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти (САНИ ИРИ), Ипакчилик (САНИ ИИШ) ва Бутунитифоқ пахтачилик институти (Союз НИХИ) ташкил этилди. Ижтимоий-гуманитар соҳаларга ҳам катта эътибор берилди. 1928 йилда санъатшунослик, 1929 йилда Ўзбекистон Давлат илмий-техникинститутини, 1931 йилда маданий қурилиш илмий-техникинститутини ташкил тоғди.

Ишлар қўламининг кенгайиб бориши натижасида 1982 йилда илмий-тадқиқот мунассаларига раҳбарлик қилиш бўйича кўнма тўзилишга олиб келди, у 1940 йилга келиб, СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиалига айлантирилди.

1943—1944-йилларда Фанлар академияси таркибиде физика-техника, математика ва механика, геология, энергетика, кимё, тупроқшунослик, иқтисодиёт, тарих ва археология, Шарқ қўла-маларини ўрганиш, тил ва адабиёт институтилари бор эди. Бундан ташқари Китеб кенглик станциясига эга бўлган астрономия расадхонаси, Ботаника боғи, тарих музейи, асосий кутубхона ва бошқалар мавжуд эди. Ҳукумат 11 кишидан иборат академиклар ва 18 олимдан иборат муҳбир аъзоларнинг дастлабки таркибини тасдиқлади. Улар академиянинг тасисчилари бўлиб, Россиядан келган, шунингдек, шу ерда етишиб чиққан атоқли олимлар эдилар. Уша пайтда илмий ходимлар 210 нафар бўлиб, булардан 28 киши фан доктори, 57 киши эса фан номзоди эдилар.

Бугунги кунда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг йилми илмий марказ ҳамдир. У ўзининг йилми моддий базасига, ўз тадқиқотлари билан дунёга танилган малакали кадрларига эга. Ўзбекистонда ҳозир 55 та олий ўқув юрти, 100 дан ортиқ илмий-тадқиқот институти

ри бор, уларда 40 мингта яқин илмий ходимлар фаннинг турли соҳаларида меҳнат қилишади.

Илмий тадқиқотлар, ҳукудан, фундаментал фанларнинг асосий маркази Фанлар академияси ҳисобланади. Унинг таркибиде 50 дан ортиқ илмий-тадқиқот институтилари, конструкторлик ташкилотлари ва корхоналари бўлиб, 12 мингта яқин ходим меҳнат қилади. Ҳамин 3,7 минг илмий ходимимиз бор, уларнинг 450 га яқини фан доктори, 1900 дан ортиқ фан номзодидир.

Ҳозирги пайтда фундаментал, шунингдек, амалий тароғли тадқиқотларнинг етарли йўналишлари Фанлар академиясида республиканинг истиқболдаги ривожини унун стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этиш юзасидан қўйидаги мураккаб ва ўта зарур йўналишлар белгилан олган:

— микроэлектроника, информатика, ҳисоблаш техникаси, ҳозирги замон математикаси ва табиий ҳамда ижтимоий жараёнларни математик моделлаш;

— турли қуқуқлик даражаларида жоғлашган сановат рудаларининг ҳосил бўлишига олиб келадиган геология жараёнларининг қонунийлигини ўрганишга оид тадқиқотлар. Бу тадқиқотларнинг натижалари жумҳурият металлургия сановати моддий-ҳомаш базасини кенгайтиришга кўмак беради;

— молекуляр генетика, ирсий-ҳўжайравий муҳандислик, биотехнология соҳаларидаги тадқиқотлар. Улар наботот, ҳайвонот олами, микробиология сановати, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўзанинг юқори ҳосилли навларини яратишга дахлдор кўнлаб муаммоларни ҳал қилиш, озиқ-овқат этишлари, тиббий дорилар, моилар ва бошқа соҳаларда илмий-техникавий тараққиётнинг асосини ташкил этади;

— моддаларнинг физик-кимёвий ҳосаларини ўрганишга оид тадқиқотлар. Уларнинг натижаси синтезлашнинг янги технология-

сини яратиш, керамик композицион полимер, пластмасса ва бошқаларни ишлаб чиқаришда қўл келади;

— ишлаб чиқариш қўларини ривожлантириш ва тақомиллаштириш. жумҳуриятда бозор муносабатларини шакллантириш, дунё ва яганимиз тарихи, археология, этнография, этник тарих, маънавий ва маданий меросини яхлит тадқиқ этиш, Ўзбекистон халқлари тили, адабиёти ва фольклорининг тарихи ҳамда ҳозирги тараққиёти муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳозирги пайтда радиация материал-шунослик ва радиотехника-репаратлар, гелиоматериал-шунослик, ўсимлик моддалари кимёси, ўзанинг ирсияти ва селекцияси, гормонлар биологияси ва молекуляр биология, мембранология каби устивор соҳаларда дунёда катта мавқега эга.

Ҳозирги вақтда Фанлар академияси Президиуми унга тегишли илмий мунассаларнинг бозор иқтисоди шароитида фаолият кўрсатишининг назарий ва амалий жиҳатларига тобора кўпроқ эътибор бермоқда.

Фанлар академияси ҳозир фундаментал фанлар соҳасида ҳам, амалий фанлар борасида ҳам тадқиқотларни ривожлантириш учун етарли имкониятларга эга. Ўзроқ илмий-техникавий тараққиётни белгилан баъзи йўналишларда республика халқ ҳўжалиги ва маданий ҳаётнинг тобора ортиб бораётган талабларидан сезиларли даражада оғда қолмаётганини ҳам қайд этиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ярим аср давомида олиб борган самарали фаолиятини илм-фан соҳасида амалга оширилаётган тадқиқотларнинг янада самаралилигини билан уйғуллаштиришга эришмоғимиз керак. Бу масалаларнинг нақадар мураккаб ва масъулиятли эканини тўла аңглаб етган академиямиз жамоаси ўзининг йилкичи элли йиллигида ҳам илм-фан ва жамиятимиз тараққиётига хизмат қилаверади.

ЭЪЛОНЛАР

"ТОШТРАНСБУТЛАШ"

Ишлаб чиқариш-технологик буглаш бошқармаси қуйидагиларни сотиб олади:

- 300x508P, 280x508P, 240x508P, 185x15 автошиналар;

- аккумуляторлар, антифриз, тормоз суюқлиги, автобусларнинг эҳтиёт қисмлари, электродлар, дераза ойналари, пўлат труба, ёғоч маҳсулотлари, металл прокатлари.

- 40x40, 45x45 бурчаклари, газ плиталарини сотади.

Бартер бўйича айирбошлаш ҳам мумкин.

Телефонларимиз: (3712) 33-51-66, 33-70-57, 32-86-87, 32-80-07.

Телефакс: (3712) 41-42-29.

6-СТ-190



Қозогистон Республикаси Талдикўрғон вилоятидаги Жаркент (Панфилов шахри) шахрида 6-7 ноябрда ва кейинги шанба ҳамда якшанба кунлари Хитой халқ республикаси ва мустақил ҳамдўстлик давлатларининг кенг турдаги моллари савдоси "ЯРМАРКА - 93" ташкил этилади.

Янги чет эл автобусларига эга бўлган "Ташқийўловчи-савдотранс" бошқармаси шу муносабат билан Жаркент шахрига бориб келиш учун Ўзбекистоннинг исталган аҳоли турар жойидан автобус хизматини йўлга қўяди.

Тошкент шахри ва пойтахт вилоятидан Жаркентга боришни хоҳлаганлар "Чкалов" метроси автостанциясидан автобусларга етарли йўловчилар чиқарилгандан сўнг эрталаб соат 6-00дан жўнаб кетишлари мумкин. Чипта сотиш шу ернинг ўзида ташкил этилган, йўл хақи тўловлари - нақд пул билан ёки пул ўтказиш йўли билан, маълумот учун телефонлар:

34-84-79, 44-18-63, 92-42-62.

СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ

ЖАҲОН ФУТБОЛ МАЙДОНИГА ЙЎЛ

АВБАЛ хабар қилганимиздек, Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) вакиллари юртимизга ташриф буюришди. Улар республика футболининг бугунги аҳоли ва мавжуд шарт-шароитлар билан таъминдилар. Петер Веллапан (Осиё футбол конфедерацияси бош котиби, ХФФ ижроқўми аъзоси), Рам Руфи (ХФФ ижроқўми аъзоси), Винсент Моньедан (ХФФ ижроқўми аъзоси) иборат делегация аъзолари юртимизда икки кун бўлиб, «Пахтакор» марказий ўйингоҳи, Қиёрай спорт мажмуаси, «Меҳнат ўринбосарлари» ўйингоҳини бориб кўрдилар.

Ўзбекистон футбол федерациясида ХФФ вакиллари матбуот ходимлари, спорт

мутахассислари билан учрашди.

Рам Руфининг таъкидлашича, Ўзбекистонликлар футбол учун яратилган шарт-шароитлар билан фахрланишга бўлади. Пойтахтдаги ўйингоҳлар профессионал даражада бўлиб, жаҳон миқёсида футбол учрашувлари ўтказиш талабига жавоб беради.

Муҳлислари, албатта, Ўзбекистоннинг ХФФга қанча қабул қилиниши кўпроқ қизиқтиради. Матбуот конференциясида ХФФ аъзолари шунга ақин савол берилди. Бу саволга ҳам Рам Руфи жавоб қайтарди. Юртимизга ташриф буюрган комиссия кўп минг сонли футбол-ишқибозларининг қизиқчиларини инобатга олиб тайёрадаёқ иш бошлади ва

Ўзбекистондан олинган футбол ҳақидаги таасуротлар ва фикр-мулоҳазалари ҳуласасини 8 ноябрда ХФФга топширади. ХФФ аъзоларининг навбатдаги конференцияда шу масалани ҳал этади.

Осиё футбол конфедерациясининг бош котиби Петер Веллапан юртимиз жамоаларининг қўнма кубок ўйинлари ва биринчиликларида қатнашгани ҳақида фикр билдирди. Ўзбекистон ХФФга ҳақиқий аъзоликка қабул қилинса, жамоаларини қўнма қўнма расмий турнирларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишади. Шунингдек жамоаларимиз ва клубларимиз қўнма бир қанча ўртоқлик учрашувлари ва шу даражадаги халқаро турнирларга таклиф этилаётганини билдирди. Бундай турнирлар ҳар йили Малайзия, Таиланд, Ҳиндистон (Ж. Неру хотирасига бағишланган турнир) ва бир қанча мамлакатларда ўтказилади.

рашувада лигани тарқ этувчи учинчи жамоа аниқ бўлади. Биринчи бўлиб «Шахриноҳ» лигадаги ўрини бўшаётган эди. Натижаси ҳеч нарсани ўзгартирмайдиган кечаги турда келаси йили олий лигада тўп сурувчи «Сурхон»ни қабул қилган шаҳрихоҳликлар 1:0 ҳисобида галаба қозонишди ва очколарини 13 тага етказишди. Ўшбу учрашуви чемпионат ўрталарида ўтказилиб, айнаш шу патижа қайд қилинганда мутахассис ва муҳлислар анча ҳайратланишган бўлишарди.

Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади:

«Машъал» — «Прогресс» 2:1, «Локомотив» — «Ватт» — 0:0, «Бордо» — «Маданичи» — 1:0, «Атласчи» — «Кимёгар» — 4:1.

Р. ЖУМАЕВ.

ФАРҒОНАДА ЧЕМПИОННИ ШАРАФЛАШМОҚДА

БУХОРОНИНГ «Нурафшон» жамоаси билан «Нефчи» ўртасидаги учрашуви Ўзбекистоннинг иккинчи карра чемпионини шарафлаш тағналарида айланб кетди. Фарғона вилоятининг ҳўжи, вилоят футбол Федерациясининг раиси Мирзажон Исмолов мустақил Ўзбекистоннинг чемпионларини самийи мураббаб эди. Бу галаба Ўзбекистон ҳўкуматининг футболни ривожлантириш борасида кўрсатётган ҳам-хўрлигининг натижаси эканилини, тиббий дорилар, моилар ва бошқа соҳаларда илмий-техникавий тараққиётнинг асосини ташкил этади;

Чемпионатнинг сўнги ўйини фарғоналиклар кўтаринки рўзда ўтказдилар. Бунинг ўзида хос сабаби бор. Чўнки, «Нурафшон» командаси чемпионат бошлангида «Нефчи»ни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, «рашнган» эди. Шунинг учун ҳам фарғоналиклар майжода фавқ галаба иштиғи билан тўп суришди. Тўғри, ўйиннинг дастлабки дақиқаларида бухороликларнинг қўли бироз баланд келди. 12-дақиқада меҳмонлар ҳўжумчиси Олият Тиллаев ҳисобини очди. Шундан сўнг ўйин тўласинча фарғоналиклар устунигида ўтди. Учрашувининг 25 ва 30-дақиқаларида Эдуард Маматов ва Рустам Дўрмонов дарвозаларни забт этишди. Иккинчи бўлимда эса Сергей Лебедев жарима тўпини маҳорат билан бажарди. Шундай қилиб, «Нефчи» 3:1 ҳисобида галабага эришди ва очколар сонини 52 тага етказди. Рустам Дўрмоновнинг чемпионатда киритган тўплар сонини эса 24 тага етди.

«Спартак» ўйингоҳига тўплаган минглаб томошбинлар Ўзбекистон чемпионини олибқутар билан кузатиб қўйдилар.

Найжон СОВИР, «Халқ сўзи» муҳбири.

КЕЧИККАН ҒАЛАБА

БИРИНЧИ лига жамоалари 29-тур учрашувларини ўтказишди. Яна бир турдан сўнг лига вакиллари бу йилги масъулни аниқлашди. Охиригида олддаги турда дарвозаларга 21 марта тўп киритилди. Масъулни ўтказишган 232 учрашувада дарвозалар 683 марта ишга қилинди. Бошқа айтганда ҳар бир учрашувада дарвозаларга дерали учтадан тўп киритилган.

УШБУ тур олдидан олий лигага чиқувчи жамоалар аниқ эди. Қураш асосан турнир жадвалининг турнир поғоналарида бораётган жамоалар ўртасида қизғин кечди. Ўз майдониде Қаршининг «Насаф» жамоасини қабул қилган «Савай» сўнги умиддан ҳам маҳрум бўлди. Қўроғтепалликлар меҳмонларга 1:2 ҳисобида кўтаэб қўйишдан ва биринчи лигани тарқ этишлари узил-кесил аниқлашди.

Бухорода Навоийнинг «Зарафшон» клубини қабул қилган «Ситора»нинг биринчи лигада мавқеини сақлаб қолнишга имони катта эди. Бироқ «Ситора» асо-

сий рақибларидан бирига 2:3 ҳисобида бой берди ва «Зарафшон»ни лигани тарқ этиш ҳавфидан бутунлай қўтарди.

Ўз майдонда галаба қозонган «Олмалик» ҳам бу ташвишдан қўтилади. Олмаликликлар «Норин»ни мағлуб (2:1) этишди.

Шундай қилиб сўнги тур олдидан 23 очкога эга бўлган Зарафшоннинг «Прогресс» ва Бухоранинг «Ситора» жамоаларининг лигани тарқ этиш ҳавф соялти. Қизғин шундан, охириги турда бу жамоалар ўзаро кўч синашишади. Бухорода ўтказилган бу уч-

RANK XEROX

RANK XEROX

ксерография соҳасидаги энг машҳур фирмаси Марказий Осиё ҳудудидеги манфаатдор ташкилотлар ва тадбиркорлар билан амалий алоқаларни мустаҳкамламоқда. Ўзбекистон Республикаси вилоятларида нусха олиш ускуналарига бўлган эҳтиёжнинг ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, фирма дилерлик тармоқларини кенгайтириш ҳамда ривожлантиришга киришди.

Агар Сиз тадбиркор бўлсангиз, энг замонавий нусха олиш жиҳозлари билан ишлаш Сизга завқ бағишласа ҳамда Сизда эркин муомаладаги валютада бошлангич маблағ мавжуд бўлса Сиз **RANK XEROX** фирмасининг мухтор Дилери бўлишингиз мумкин.

ДИЛЕР

- ўз омборларидан ускуналарни эркин муомаладаги валютага ёки рублга сотади;
- маркетинг ва реклама билан шуғулланади;
- намоийиш хоналарини ташкил этади;
- ускуналарига техник хизмат кўрсатишни таъминлайди;

RANK XEROX

- ўзинг ҳудудий Ваколатхонаси оркали Дилерларга кўмаклашади;
- Дилер шахсларини ўқитади;
- реклама кампанияларини ўтказишда Дилерларга ёрдам беради;
- намоийиш хоналари ва омбор биноларини ташкил этишда кўмаклашади.

ЮКОРИДАГИ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРГАН ҲАММА ДИЛЕРЛАРГА RANK XEROX ҚУЙДАГИ СОҲАЛАР БЎЙИЧА БЕПУЛ ЎҚИШЛАРНИ ҲАВОЛА ҚИЛАДИ:

- * МЕНЕЖМЕНТ
- * МАРКЕТИНГ

- * САВДО НАЗАРИЯСИ
- * СЕРВИС

Сизнинг таклифларингизни Тошкентдаги қуйидаги телефонлар орқали қабул қиламиз:

Фирманинг Ваколатхонаси

(3712) 394719, 327886, 394866,

факс

(3712) 394540, 327886

Ўзбек Ксерокс қўшма корхонаси - (3712) 335425

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64808.



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдунаби БОЯҚҲИМОВ, Эсирған БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»). Эркин ВОҲИДОВ, Мирмакп МИРАЛИМОВ, Саломиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев Пак (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Алекандр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаддон ҚОРАБОВ, Саидхўроқ ГҲЛОМОВ

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Набатчи муҳаррир —
А. Йўлдошев, набатчи
Ю. Бекмуродов.